

Ўзбекистон ва Қирғизистон муфтийлари учрашдилар



22:00 / 19.11.2021 2078

Бугун, 19 ноябрь куни Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Нуриддин домла Холиқназаров ҳазратлари ва Қирғизистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Замир ҳожи Ракиев ўртасида икки томонлама учрашув бўлиб ўтди.

Қабул маросимида Қирғизистон Республикаси Дин ишлари бўйича давлат комиссияси раиси Тойганбай Абдиқаров ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси Содиқжон Тошбоев иштирок этди.

Дин ишлари бўйича раиси Содиқжон Тошбоев сўнгги йилларда мамлакатларимиз Раҳбарларининг саъй-ҳаракатлари билан икки давлат

Ўртасидаги алоқалар кенгайиб бораётгани, айниқса, диний-маърифий соҳадаги ҳамкорлик муносабатлари янги босқичга кўтарилгани, икки мамлакат уламолари турли анжуманларда, маърифий тадбирларда бирга-бирга иштирок этаётганлари, чегара олди минтақаларда мунтазам аҳоли билан суҳбатлар олиб борилаётганини алоҳида қайд этди.

Дин ишлари бўйича давлат комиссияси раиси Тойганбай Абдиқаров эса Ўзбекистондаги тарихий шаҳарларни зиёрат қилиш катта бахт экани, ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янги босқичга олиб чиқиш икки томон учун ҳам манфаатли бўлиши, айниқса малакали диний соҳа ходимлари тайёрлашда

Ўзбекистондаги мадрасалар салоҳиятидан фойдаланиш, қадим-қадимдан Ўзбекистон заминидан Ўрта Осиёга илму маърифат таралгани, Имом Бухорий, Имом Термизий каби мўътабар зотларнинг файзу баракоти сабабидан бу диёр мана шундай равнақ топаётгани кабиларга алоҳида урғу қаратди.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Нуриддин домла Холиқназаров ҳазратлари икки давлат уламолари Ислом дини маърифатини кенг ёйиш, мўмин-мусулмонлар бирдамлигини таъминлаш ва икки қардош халқ орасидаги дўстликни ривожлантириш, диний идоралар ўртасидаги ҳамкорликни равнақ топтиришда жуда ҳам катта ишлар амалга оширилаётганини сўзладилар.

Қирғизистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Замир ҳожи Ракиев ҳазратлари Ўзбекистондаги табаррук қадамжолар зиёратидан беҳад мамнун экани, Ҳазрати Усмон Мусҳафи ушбу юртга файз бағишлаб тургани, Имом Бухорий, Имом Термизий каби улуғ инсонлар яна етишиб чиқиши ва икки мамлакат дўстлигини янада мустаҳкамлаш зарурлиги тўғрисида сўз юритди.

Қирғизистон Ислом университети ректори Абдишукур Нарматов Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳудди тарихда бўлгани каби Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси каби Марказий Осиёдаги диний идоралар фаолиятидаги каби ҳамжиҳатликни ошириши, уламолар маърифат тарқатишда катта салоҳиятга эга экани, бугунги таҳликали ва мураккаб даврда халқлар, айниқса, ёшларни тўғри йўлга бошлаш жуда ҳам зарурлиги кабиларга урғу қаратди.

Ташриф якунида томонлар эсдалик совғаларини тақдим этдилар.